



МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ШУБҲАЛИ ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ БЎЙИЧА РЕЗЕРВ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Холпўлотов Рустам Ўктамович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0003-6662-1715

x.oktamovich@tsue.uz

Аннотация. Мақолада ҳўжалик юритувчи субъектларда молиявий инструмент ҳисобланадиган дебиторлик қарздорликларига молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини асосида шубҳали дебиторлик қарзлари бўйича резерв ҳисобини ташкил этишни такомиллаштириш тартиби очиб берилган. Бутун дунё бўйлаб сўнгги йилларда молиявий бозорларда молиявий инструментлар хилма-хиллиги ва мураккаблиги кескин ўсиб бормоқда. Молиявий инструментлар учун бухгалтерия ҳисоби амалиётида муаммо бўлиб ҳисобланади ва шунинг учун халқаро стандартлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Калит сўзлар: шартнома, молиявий актив, молиявий мажбурият, улушли восита, қарзли восита, дебиторлик, шубҳали дебиторлик қарзлари.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИИ РЕЗЕРВОВ ПО СОМНИТЕЛЬНЫМ ДОЛГАМ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

Холполотов Рустам Октамович

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье описана процедура совершенствования организации резервного учета сомнительной дебиторской задолженности на основе международных стандартов финансовой отчетности по дебиторской задолженности, рассматриваемой как финансовый инструмент в хозяйственных субъектах. Разнообразие и сложность финансовых инструментов на финансовых рынках по всему миру резко возросли за последние годы. Учет финансовых инструментов представляет собой проблему на практике, поэтому желательно широкое использование международных стандартов.

Ключевые слова: договор, финансовый актив, финансовое обязательство, долевой инструмент, долговой инструмент, дебиторская задолженность, сомнительная дебиторская задолженность.

IMPROVING THE ORGANIZATION OF RESERVES FOR DOUBTFUL DEBTS BASED ON INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS

Xolpulotov Rustam Oktamovich
Tashkent State University of Economic

Abstract. *The article describes the procedure for improving the organization of reserve accounting of doubtful accounts receivable based on international financial reporting standards for accounts receivable, considered as a financial instrument in business entities. The diversity and complexity of financial instruments in financial markets around the world have increased dramatically in recent years. Accounting for financial instruments is a problem in practice, so it is desirable to widely use international standards.*

Keywords: *contract, financial asset, financial liability, equity instrument, debt instrument, accounts receivable, doubtful accounts receivable.*

Кириш.

Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот ҳажми сезиларли даражада ошиб бормоқда, ўз навбатида, давлат бюджетининг даромад қисми ҳам ошмоқда. Бу каби иқтисодий ўзгаришлар мамлакатда макроиқтисодий барқарорликка эришиш, пул-валюта ва тўлов интизоми мустаҳкамланиб боришига асос бўлмоқда. Нефът-газ саноати корхоналарининг молиявий барқарорлиги улар ўртасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ўз вақтида бажарилиб борилишига бевосита боғлиқ.

Бир корхонанинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар олдидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг бажарилмай қолиши занжирсимон таъсирини юзага келтириб, жуда кўплаб корхоналарнинг молиявий ҳолатига ва охир-оқибатда мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Дебиторлик қарздорлик молиявий инструментлар таркибий қисми ҳисобланади. "Ўзбекнефтгаз" АЖнинг ҳисоб сиёсатида дебиторлик қарзига қуйидагича тариф берилган. Дебиторлик қарзлари – бу харидорларнинг ёки бошқа бизнес контрагентларининг компания олдидаги қўшма корхона шартномалари бўйича тақдим этилган товарлар ва хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятлари.

Адабиётлар шарҳи.

Молиявий инструментлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш тартиби хорижлик иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотларни олиб боришган. Улар жумласига, Милова (2008) ўтказилган тадқиқотлар асосида "Молиявий инструментга қуйидаги таърифи таклиф этган "Молиявий инструмент битим тарафлари ўртасида молиявий актив ва молиявий мажбурият (капитал восита) бир вақтнинг ўзида пайдо бўлишига олиб келадиган шартнома муносабатлари" деб таъриф келтиришган.

Астахова (2013) ўзининг илмий ишида "Молиявий инструментлар бу битимнинг бир иштирокчиси учун молиявий активнинг пайдо бўлишига олиб келадиган молиявий рисклар билан бирга келадиган маблағлар ва молиявий шартномаларни бирлаштирган бухгалтерия тоифаси ва бошқаси учун молиявий мажбуриятлар ёки капитал воситаси" деб тариф берган.

Татарко (2010) фикрича "Молиявий инструментларнинг аналитик ҳисобининг тизимли регистрларини юритиш, бизнинг фикримизча, ушбу тоифадаги бухгалтерия ҳисоби ва молиявий инструментлар турлари контекстида ташкил этилиши керак. Юқоридагилардан келиб чиқиб, "Қимматли қоғозлар" счёти бўйича аналитик бухгалтерия ҳисоби, "Бошқа молиявий активлар" счёти бўйича аналитик бухгалтерия

ҳисоби ва "Ҳосилавий молиявий инструментлар" счёти бўйича аналитик ҳисобни юритиш таклиф этилган".

Скляр (2005) ўзининг илмий ишида молиявий инвестицияга шундай таклиф киритган "Молиявий инвестициялар - иқтисодий самара олиш учун капитални молиявий активларга қўйиш".

Ковалёвнинг (1995) фикрича "Молиявий таҳлил: капитални бошқариш. Инвестициялар танлаш. Ҳисобот таҳлили", унда қуйидаги таъриф берилган: "Энг умумий шаклда улар (молиявий инструментлар) қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестицияларнинг турли шакллари ўз ичига олади, улар билан савдо молия бозорларида амалга оширилади: акциядорлик ва қарз қимматли қоғозлари, депозитар тилхатлари, опционлар, варрантлар, форвард шартномалари, фьючерслар ва своплар".

Фелдман (2003) "Молиявий маҳсулот" ва "Молиявий инструмент" тушунчалприга қуйидагича тариф берган "Молиявий маҳсулот деганда бозор иштирокчилари ўртасида тегишли талаб ва таклифни келтириб чиқарадиган маълум бир истеъмол қийматини тушуниш таклиф этилади. Молиявий маҳсулотлар бозор иштирокчиларининг ўзаро таъсири натижасида уларга ҳуқуқий шакллар бериб, бозор айланмасида иштирок этувчи аниқ молиявий инструментлар шаклида ўз ифодасини топади".

Олима Мавлянова (2020) фикрича "Шубҳали қарз - бу корхонанинг шартномада белгиланган муддатларда тўланмаган дебиторлик қарздорлиги бўлиб тегишли кафолатлар билан таъминланмаганлигидир".

Тадқиқот методологияси.

Мақолада таққослаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, гуруҳлаш ва боша таҳлил усуллари кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бухгалтерия ҳисобида қарздорликни баҳолаш усуллари шубҳали қарз резерв аниқлаш мазмунига асосланган.

Молиявий ҳисоботларда ошкор қилинадиган дебиторлик қарзларининг баъзи қисмлари унинг қийматини қабул қилмаса, ҳақиқий вазиятни нотўғри акс эттириши мумкин. Шу боисдан, хўжалик юритувчи субъектлар зарарни ҳисобга олишда даргумон қарзлар бўйича резервлар яратиш талаб қилинади. Бундай резервларни яратиш тадбиркорлик субъекти молиявий аҳволининг ҳақиқий ҳолатига боғлиқ.

Белгиланган муддатда қайтарилмайдиган ва тегишли кафолатлар билан таъминланмаган хўжалик юритувчи субъектларнинг қарзлари шубҳали ҳисобланади. Контрагент томонидан тўлов муддати бузиши ёки контрагентнинг молиявий муаммолари тўғрисида олинган маълумот резервни яратиш учун сабаб бўлиши мумкин.

Халқаро тажрибага мувофиқ шубҳали қарзлар учун резерв яратишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш ва уларни ҳисоб сиёсатида акс эттириш мақсадга мувофиқ:

1. Интервал усули.
2. Экспертлар усули.
3. Статистик усул.

1. Интервал усули. Резервга ажратмалар миқдори кечикиш муддатига кўра қарз миқдори фоиз ставкаси сифатида ҳар чорақда (ойлик) ҳисобланади. Яъни ҳар бир даргумон қарз бўйича резерв учун ажратилган маблағлар кечикиш даври билан мутаносибдир.

2. Эксперт усули. Ҳар бир даргумон қарз учун хўжалик юритувчи субъектнинг фикрига кўра, юқори эҳтимоллик билан қайтарилиши мумкин бўлмаган миқдорда резерв тузилади.

3. Статистик усул. Энг кўп вақт талаб этувчи вариант мазкур корхоналарнинг статистик маълумотлари бўйича резервга ажратмалар миқдорини бир неча солиқ

даврлари бўйича қарз улуши сифатида аниқлашдан иборат бўлиб, улар дебиторлик қарздорлиги умумий суммасига нисбатан қопланмаган бўлиб қолади.

Интервал ёки эксперт усули қўлланилганда қуйидаги вариантларни танлаш мумкин:

- агар резерв яратилган қарзлар умидсиз деб топилса, у резервдаги маблағлар ҳисобидан қопланади. Агар резервда пул маблағлари етарли бўлмаса, резерв ҳисобидан қопланмаган қарз суммаси бошқа операцион харажатларга ҳисобдан чиқарилади;

- агар резерв яратилган қарз қопланса, резерв миқдори тикланади, яъни бошқа операцион даромадларга киритилади.

Статистик усулни қўллашда қуйидаги вариантлар бўлиши мумкин:

- агар резервни яратиш бўйича қарзлар умидсиз деб топилса, қарз резервлар ҳисобидан ҳисобдан чиқарилади. Агар резерв суммаси етарли бўлмаса, у ҳолда резерв ҳисобидан қарзнинг қопланмай қолган қисми бошқа операцион харажатларда ҳисобдан чиқарилади;

- агар резерв яратилмаган тоифадаги, шунингдек, ҳар бир қарзни тўлашда қарз умидсиз деб тан олинса, у ҳолда резерв қарзнинг миқдори ўзгартирилмайди.

Шунингдек, даргумон қарзлар учун резервлар яратилганда, резерв яратишнинг у ёки бу усулини танлашдан олдин, у нима учун яратилганлигини аниқ тушуниш зарур.

Агар корхона банкдан кредит олиши учун баланс талаб этилса, у ҳолда иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар бўйича ортиқча резервлар яратиш балансни «жозибадор» кўрсата олмайди.

Даргумон қарзлар бўйича резерв яратиш умидсиз дебиторлик қарзларини бевосита ҳисобдан чиқариш усулидан фойдаланишга нисбатан бирмунча мураккабдир.

Шундай қилиб, доимо даргумон қарзларни ҳисобдан чиқариш харажатларига нотўғри баҳо берилиши мумкин деган хавф мавжуд. Улар жуда паст баҳоланса, бу дебиторлик қарздорлиги ва фойда оширилишига олиб келади. Баҳолашда дебиторлик қарзлар оширилиб, соф даромад етарлича баҳоланмайди.



1-расм. Шубҳали дебиторлик қарзлари бўйича резервни ҳисоблашнинг 5 босқичли модели

Манба: муаллиф ишланмаси.

Даргумон қарзлар бўйича резерв яратиш зарурати мувофиқлик принципига риоя қилиш натижасида юзага келиб, у МҲХС бўйича ҳисобнинг асосий принципларидан бири ҳисобланади;

умидсиз дебиторлик қарларни харажатларга киритиб ҳисобдан чиқариш улар юзага келган ҳисобот даврида амалга оширилади;

бундан ташқари, даргумон қарзлар бўйича резерв яратиш балансдаги дебиторлар қарздорликни аниқроқ баҳолаш имконини беради.

Хорижий адабиётлар таҳлил қилинб, шубҳали дебиторлик қарзлари бўйича резервни ҳисоблашнинг қуйидаги тартиб қоидалари таклиф этилади.

Таклиф этилаётган шубҳали дебиторлик қарзлари бўйича резервни ҳисоблаш 5 босқичлик қуйидаги модел орқали аниқланади (1-расм):

Биринчи босқич “Сотув бўйича дебитор қарздорликларни муддатлар бўйича ажратиш”да қуйидаги жадвалга асосан дебитор қарздорликларни муддатларларига қараб 13 та кичик гуруҳларга ажратиш ва хар бир гуруҳга тўғри келадиган сотув бўйича дебитор қарздорликларни камида икки йиллик маълумотлари киритилиши лозим.

1-жадвал

Сотув бўйича дебиторлик қарздорликларни муддатларлар бўйича ажратиш

№	Муддатларлари бўйича дебиторлик қарздорликларининг гуруҳланиши	31.01. 2022	28.02. 2022	...	31.12. 2023
1	2	3	4	5	6
1-Гуруҳ	30 кунгача	D_1^1	D_2^1	...	D_{24}^1
2-Гуруҳ	30 кундан 60 кунгача бўлган	D_1^2	D_2^2	...	D_{24}^2
3-Гуруҳ	60 кундан 90 кунгача бўлган	D_1^3	D_2^3	...	D_{24}^3
4-Гуруҳ	90 кундан 120 кунгача бўлган	D_1^4	D_2^4	...	D_{24}^4
5-Гуруҳ	120 кундан 150 кунгача бўлган	D_1^5	D_2^5	...	D_{24}^5
6-Гуруҳ	150 кундан 180 кунгача бўлган	D_1^6	D_2^6	...	D_{24}^6
7-Гуруҳ	180 кундан 210 кунгача бўлган	D_1^7	D_2^7	...	D_{24}^7
8-Гуруҳ	210 кундан 240 кунгача бўлган	D_1^8	D_2^8	...	D_{24}^8
9-Гуруҳ	240 кундан 270 кунгача бўлган	D_1^9	D_2^9	...	D_{24}^9
10-Гуруҳ	270 кундан 300 кунгача бўлган	D_1^{10}	D_2^{10}	...	D_{24}^{10}
11-Гуруҳ	300 кундан 330 кунгача бўлган	D_1^{11}	D_2^{11}	...	D_{24}^{11}
12-Гуруҳ	330 кундан 360 кунгача бўлган	D_1^{12}	D_2^{12}	...	D_{24}^{12}
13-Гуруҳ	360 кундан кўп	D_1^{13}	D_2^{13}	...	D_{24}^{13}
Жами		***		***	***

Юқоридаги жадвалнинг 1-устунида гуруҳ рақами жойлаштирилади, 2-устунда сотув бўйича дебитор қарздорликларини муддатлари кўрсатилади, 3-устунда сотув бўйича дебитор қарздорликларини дастлабки санадаги суммаси қўйилади, 4-5-устунда сотув бўйича дебитор қарздорликларини дастлабки санасидан кейинги саналардаги суммалар жойлаштирилади (яъни 22 ойлик маълумотлар), 6-устунда сотув бўйича дебитор қарздорликларининг охириги санасидаги сумма қўйилади.

Иккинчи босқич “Бир гуруҳдан кейинги гуруҳга ўтиш фоизини аниқлаш”да биринчи босқич маълумотларидан фойдаланилган ҳолда сотув бўйича дебитор қарздорликларни бир гуруҳдан кейинги гуруҳга ўтиш фоизи аниқланади. Бунда қуйидаги жадвалдан фойдаланилади.

2-жадвал

Сотув бўйича дебитор қарздорликларини кейинги гуруҳга ўтиш
фоизини аниқлаш

Муддатларлари бўйича дебиторлик қарздорликларининг кейинги гуруҳга ўтиш кетма-кетлиги	28.02.2022	31.03.2022	...	31.12.2023
1	2	3	4	5
1-Гуруҳдан-2-Гуруҳга (30 кунгачадан-30 кундан 60 кунгача бўлган)	F_1^1	F_2^1	...	F_{23}^1
2-Гуруҳдан-3-Гуруҳга (30 кундан 60 кунгача бўлгандан-60 кундан 90 кунгача бўлган)	F_1^2	F_2^2	...	F_{23}^2
3-Гуруҳдан-4-Гуруҳга (60 кундан 90 кунгача бўлгандан-90 кундан 120 кунгача бўлган)	F_1^3	F_2^3	...	F_{23}^3
4-Гуруҳдан-5-Гуруҳга (90 кундан 120 кунгача бўлгандан-120 кундан 150 кунгача бўлган)	F_1^4	F_2^4	...	F_{23}^4
5-Гуруҳдан-6-Гуруҳга (120 кундан 150 кунгача бўлгандан-150 кундан 180 кунгача бўлган)	F_1^5	F_2^5	...	F_{23}^5
6-Гуруҳдан-7-Гуруҳга (150 кундан 180 кунгача бўлгандан-180 кундан 210 кунгача бўлган)	F_1^6	F_2^6	...	F_{23}^6
7-Гуруҳдан-8-Гуруҳга (180 кундан 210 кунгача бўлгандан-210 кундан 240 кунгача бўлган)	F_1^7	F_2^7	...	F_{23}^7
8-Гуруҳдан-9-Гуруҳга (210 кундан 240 кунгача бўлгандан-240 кундан 270 кунгача бўлган)	F_1^8	F_2^8	...	F_{23}^8
9-Гуруҳдан-10-Гуруҳга (240 кундан 270 кунгача бўлгандан-270 кундан 300 кунгача бўлган)	F_1^9	F_2^9	...	F_{23}^9
10-Гуруҳдан-11-Гуруҳга (270 кундан 300 кунгача бўлгандан-300 кундан 330 кунгача бўлган)	F_1^{10}	F_2^{10}	...	F_{23}^{10}
11-Гуруҳдан-12-Гуруҳга (300 кундан 330 кунгача бўлгандан-330 кундан 360 кунгача бўлган)	F_1^{11}	F_2^{11}	...	F_{23}^{11}
12-Гуруҳдан-13-Гуруҳга (330 кундан 360 кунгача бўлгандан-360 кундан кўп)	F_1^{12}	F_2^{12}	...	F_{23}^{12}

Манба: муаллиф ишланмаси.

Ушбу жадвалнинг 1-устунида муддатларлари бўйича дебиторлик қарздорликларининг кейинги гуруҳга кетма-кетлик асосида ўтиши кўрсатилади. 2-5-устунда қуйидаги жадвал асосида гуруҳдан гуруҳга ўтиш фоизлари топилади.

3-жадвал

Сотув бўйича дебитор қарздорликларини кейинги гуруҳга ўтиш фоизини аниқлаш алгоритми (тартиби)

№	28.02.2022	31.03.2022	...	31.12.2023
1	$F_1^1 = \frac{D_2^2}{D_1^1} * 100\%$	$F_2^1 = \frac{D_3^2}{D_2^1} * 100\%$...	$F_{23}^1 = \frac{D_{24}^2}{D_{23}^1} * 100\%$
2	$F_1^2 = \frac{D_2^3}{D_1^2} * 100\%$	$F_2^2 = \frac{D_3^3}{D_2^2} * 100\%$...	$F_{23}^2 = \frac{D_{24}^3}{D_{23}^2} * 100\%$
...
12	$F_1^{12} = \frac{D_2^{13}}{D_1^{12}} * 100\%$	$F_2^{12} = \frac{D_3^{13}}{D_2^{12}} * 100\%$...	$F_{23}^{12} = \frac{D_{24}^{13}}{D_{23}^{12}} * 100\%$

Манба: муаллиф ишланмаси.

Учинчи босқич “Шубҳали дебиторлик қарзлар эхтимоллик даражаси аниқлаш (фоизини)”да сотув бўйича дебиторлик қарздорликларининг эхтимоллик даражасининг фоизи топилади. Бунда қуйидаги жадвал тўлдирилади.

4-жадвал

Шубҳали дебиторлик қарзларнинг эхтимоллик даражаси

№	Муддатларлари бўйича дебиторлик қарздорликларининг гуруҳланиши	31.01.2023	28.02.2024	...	31.12.2023
1	2	3	4	5	6
1-Гуруҳ	30 кунгача	E_1^1	E_2^1	...	E_{12}^1
2-Гуруҳ	30 кундан 60 кунгача	E_1^2	E_2^2	...	E_{12}^2
3-Гуруҳ	60 кундан 90 кунгача	E_1^3	E_2^3	...	E_{12}^3
4-Гуруҳ	90 кундан 120 кунгача	E_1^4	E_2^4	...	E_{12}^4
5-Гуруҳ	120 кундан 150 кунгача	E_1^5	E_2^5	...	E_{12}^5
6-Гуруҳ	150 кундан 180 кунгача	E_1^6	E_2^6	...	E_{12}^6
7-Гуруҳ	180 кундан 210 кунгача	E_1^7	E_2^7	...	E_{12}^7
8-Гуруҳ	210 кундан 240 кунгача	E_1^8	E_2^8	...	E_{12}^8
9-Гуруҳ	240 кундан 270 кунгача	E_1^9	E_2^9	...	E_{12}^9
10-Гуруҳ	270 кундан 300 кунгача	E_1^{10}	E_2^{10}	...	E_{12}^{10}
11-Гуруҳ	300 кундан 330 кунгача	E_1^{11}	E_2^{11}	...	E_{12}^{11}
12-Гуруҳ	330 кундан 360 кунгача	E_1^{12}	E_2^{12}	...	E_{12}^{12}

Манба: муаллиф ишланмаси.

Юқоридаги 3-жадвалдаги 3-4-5-устунларда эхтимоллик даражаси топилади. Мисол учун 1-гуруҳнинг эхтимоллик даражасининг фоизи қуйидагича топилади.

5-жадвал

Шубҳали дебиторлик қарзларнинг эхтимоллик даражасини аниқлаш алгоритми (тартиби)

№	31.01.2023	28.02.2024	...	31.12.2023
1	$E_1^1 = F_1^1 * F_2^2 * F_3^3 * ... * F_{12}^{12}$	$E_2^1 = F_2^1 * F_3^2 * ... * F_{13}^{12}$...	$E_{12}^1 = F_{12}^1 * F_{13}^2 * ... * F_{23}^{12}$
2	$E_1^2 = F_2^2 * F_3^3 * ... * F_{12}^{12}$	$E_2^2 = F_3^2 * F_4^3 * ... * F_{13}^{12}$...	$E_{12}^2 = F_{13}^1 * F_{14}^2 * ... * F_{23}^{12}$
...
12	$E_1^{12} = F_{12}^{12}$	$E_2^{12} = F_{13}^{12}$...	$E_{12}^{12} = F_{23}^{12}$

Манба: муаллиф ишланмаси.

Тўртинчи босқич “Сотув бўйича дебитор қарздорлик захираси миқдорини аниқлаш”да сотув бўйича дебитор қарздорлигининг резервлар миқдорини аниқланади. Бунда қуйидаги жадвалдан фойдаланилади.

Юқоридаги жадвалдаги 4-устун шубҳали дебиторлик қарзларнинг эхтимоллик даражасининг ўртачаси қуйидагича топилди.

$$E_1 = \frac{E_1^1 * E_2^1 * ... * E_{12}^1}{12}$$

$$E_2 = \frac{E_1^2 * E_2^2 * ... * E_{12}^2}{12}$$

$$E_{12} = \frac{E_1^{12} * E_2^{12} * ... * E_{12}^{12}}{12}$$

6-жадвал

Сотув бўйича дебиторлик қарзлар бўйича резерв миқдорини аниқлаш жадвали

№	Сотув бўйича дебиторлик қарзларини муддатларларига ажратиш	31.12.2023		
		Сотув бўйича дебиторлик қарзи	Шубҳали дебиторлик қарзларнинг эҳтимоллик даражасининг ўртачаси	Дебиторлик қарзлар бўйича резерв миқдори
1	2	3	4	5=3*4
1-Гуруҳ	30 кунгача	D_{24}^1	E_1	$P_1 = D_{24}^1 * E_1$
2-Гуруҳ	30 кундан 60 кунгача	D_{24}^2	E_2	$P_2 = D_{24}^2 * E_2$
3-Гуруҳ	60 кундан 90 кунгача	D_{24}^3	E_3	$P_3 = D_{24}^3 * E_3$
4-Гуруҳ	90 кундан 120 кунгача	D_{24}^4	E_4	$P_4 = D_{24}^4 * E_4$
5-Гуруҳ	120 кундан 150 кунгача	D_{24}^5	E_5	$P_5 = D_{24}^5 * E_5$
6-Гуруҳ	150 кундан 180 кунгача	D_{24}^6	E_6	$P_6 = D_{24}^6 * E_6$
7-Гуруҳ	180 кундан 210 кунгача	D_{24}^7	E_7	$P_7 = D_{24}^7 * E_7$
8-Гуруҳ	210 кундан 240 кунгача	D_{24}^8	E_8	$P_8 = D_{24}^8 * E_8$
9-Гуруҳ	240 кундан 270 кунгача	D_{24}^9	E_9	$P_9 = D_{24}^9 * E_9$
10-Гуруҳ	270 кундан 300 кунгача	D_{24}^{10}	E_{10}	$P_{10} = D_{24}^{10} * E_{10}$
11-Гуруҳ	300 кундан 330 кунгача	D_{24}^{11}	E_{11}	$P_{11} = D_{24}^{11} * E_{11}$
12-Гуруҳ	330 кундан 360 кунгача	D_{24}^{12}	E_{12}	$P_{12} = D_{24}^{12} * E_{12}$
13-Гуруҳ	360 кундан кўп	D_{24}^{13}	100%	$P_{13} = D_{24}^{13} * 100\%$
Жами		$\sum_{1}^{13} D$	-	$\sum_{1}^{13} P$

Манба: муаллиф ишланмаси.

Сўнги 13-гуруҳ сотув бўйича дебиторлик қарзининг муддати 360 кундан кўп бўлган шубҳали дебиторлик қарзларнинг эҳтимоллик даражасининг ўртачасини 100% деб ҳисобга оламиз.

Сўнги бешинчи босқичда савдо дебиторлик қарзларини ёритиб берилади. Бунда қуйидаги жадвалдан фойдаланилади.

Биз таклиф қилаётган 5 босқичли моделда фойдаланилганда корхона савдо дебиторлик контрагентларимизнинг бошқа корхоналар билан ҳисоб-китоби маълумотлари керак бўлмайди. Корхона фақат контрагентларимизнинг корхона билан ҳисоб-китоблари асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса Республикамизда фаолият юритаётган хар қандай хўжалик юритувчи субъект учун ҳам қулай ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Мавзунини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга эришилди:

1. Молиявий инструментларни маълумотларни ёритиб беришда миллий стандарт мавжуд эмаслигини инобатга олган ҳолда 25 сонли “Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб” БҲМСни ишлаб чиқиш зарур.

2. Дебиторлик қарздорликларига шубҳали дебиторлик қарзлари бўйича резерв ҳисобини ташкил этишнинг норматив ҳуқуқий базасини такомиллаштириш зарур.

3. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ молиявий инструментлар маълумотларини ёритиб бериш ёндашувларни умумлаштириш ва хусусиятларни аниқлаш лозим.

4. Амалдаги қонунчилик асосида молиявий инструментларни маълумотларни ёритиб бериш схемасини таклиф қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

7-жадвал

Савдо дебиторлик қарзларини ёритиб бериш

Сегмент	Савдо дебиторлик қарзлар муддати бўйича					
	Муддати ўтмаган	Муддати 30 кундан 90 кунгача бўлган	Муддати 90 кундан 180 кунгача бўлган	Муддати 180 кундан 300 кунгача бўлган	Муддати 300 кундан 360 кунгача бўлган	Муддати 360 кундан кўп бўлган
1	2	3	5	6	7	8
Савдо дебиторлик қарзларини қиймати	D_{24}^1	$D_{24}^2 + D_{24}^3$	$D_{24}^4 + D_{24}^5 + D_{24}^6$	$D_{24}^7 + D_{24}^8 + D_{24}^9 + D_{24}^{10}$	$D_{24}^{11} + D_{24}^{12}$	D_{24}^{13}
Шубҳали дебиторлик қарздорлики резерв миқдори	P_1	$P_2 + P_3$	$P_4 + P_5 + P_6$	$P_7 + P_8 + P_9 + P_{10}$	$P_{11} + P_{12}$	P_{13}
Савдо дебиторлик қарзларининг баланс қиймати	$D_{24}^1 - P_1$	$(D_{24}^2 + D_{24}^3) - (P_2 + P_3)$	$(D_{24}^4 + D_{24}^5 + D_{24}^6) - (P_4 + P_5 + P_6)$	$(D_{24}^7 + D_{24}^8 + D_{24}^9 + D_{24}^{10}) - (P_7 + P_8 + P_9 + P_{10})$	$(D_{24}^{11} + D_{24}^{12}) - P_{11} + P_{12}$	$D_{24}^{13} - P_{13}$
Кутилаётган шубҳали дебиторлик қарзлар эхтимоллик даражаси (фоизда)	E_1	$\frac{E_2 + E_3}{2}$	$\frac{E_4 + E_5 + E_6}{3}$	$\frac{E_7 + E_8 + E_9 + E_{10}}{4}$	$\frac{E_{11} + E_{12}}{2}$	100%

Манба: муаллиф ишланмаси.

Мавзунини ўрганиш натижасида қуйидаги таклифларга эришилди:

1. Шубҳали дебиторлик қарзлари бўйича резервни ҳисоблаш учун сотув бўйича дебитор қарздорликларни муддатлар бўйича, бир гуруҳдан кейинги гуруҳга ўтиш фоизи, шубҳали дебиторлик қарзлар эхтимоллик даражаси, дебитор қарздорлик захираси миқдорини ва улар ҳақидаги маълумотларни ёритиб бериш тартибдаги кетма-кетликни қўллаш зарур.

2. Шубҳали дебиторлик қарзларнинг эхтимоллик даражаси элементини инобатга олган ҳолда шубҳали дебиторлик қарзлари бўйича резервни ҳисоблаш зарур.

3. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботида илова сифатида молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг тоифалари тўғрисидаги маълумотларни киритиш орқали такомиллаштирилган изоҳли шакл таклифи асосланган.

Адабиётлар / Literature / Reference:

Abdurakhim Turaev, Tae-Hyoung Mun. (2020) Impact of the Introduction of New ISA on Uzbekistan's Auditing Environment. *Journal of international trade and commerce*. Vol 16, 4, August (pp61-73).

Астахова Ю.А. (2013) "Современные подходы к учету финансовых инструментов" тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.12. <https://www.dissercat.com/content/sovremennye-podkhody-k-uchetu-finansovykh-instrumentov>.

Ковалев В.В. (1995) «Финансовый анализ: Управление капиталом. Выбор инвестиций. Анализ отчетности» - М.: Финансы и статистика.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4746047>.

Мавлянова Д.М. (2020) "Жорий активлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини услубий жиҳатларини такомиллаштириш" диссертацияси –Тошкент.

Милова В.Е. (2008) "Учет финансовых инструментов тема" тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.12. <https://www.dissercat.com/content/uchet-finansovykh-instrumentov>.

МҲХС (IAS) 32 "Молиявий инструментлар: тан олиш" номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

МҲХС (IFRS) 7 "Молиявий инструментлар: ахборотни ошкор қилиш". тан олиш" номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

МҲХС (IFRS) 9 "Молиявий инструментлар" номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

Норбеков Д.Э., Тўраев А.Н., Рахмонов Ш.Ш. (2019) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, -332 б.

Скляр М.В. (2005) "Организация бухгалтерского учета финансовых инструментов в соответствии с российскими и международными стандартами" тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.12. <https://www.dissercat.com/content/organizatsiya-bukhgalterskogo-ucheta-finansovykh-instrumentov-v-sootvetstvii-s-rossiiskimi-i>.

Татарко Е.А. (2010) "Организация бухгалтерского учета финансовых инструментов на предприятии" тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.12. <https://www.dissercat.com/content/organizatsiya-bukhgalterskogo-ucheta-finansovykh-instrumentov-na-predpriyatii>.

Фельдман А.Б. (2003) Производные финансовые и товарные инструменты. –М.: